

**ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ РАНГТАСВИРДА, ОНА
ОБРАЗИДАГИ ҒОЯЛАРНИ ИННАВАЦИОН БАДИИЙ ЕЧИМИ**

Саидахбор Собитович Булатов

Низомий номидаги ТДПУ

Тасвирий санъат кафедраси профессори п.ф.д.

Хошимова Умида Талат қизи

Низомий номидаги ТДПУнинг мустақил тадқиқотчиси

Аннотатсия:

мақолада Ўзбекистон замонавий рангтасвирда аёл образининг ўрни ва аҳамияти ҳамда она образидаги ғояларни инновацион бадиий ечими ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек асарларни бадиий таҳлил қилишнинг инновацион методлари, образларнинг ҳолати ва уларнинг таҳлил этилишнинг фалсафий ва мантикий асослари ёритиб берилган.

Аннотатсия: Ўзбекистон замонавий рангтасвирда аёл образининг ўрни ва аҳамияти ҳамда она образидаги ғояларни инновацион бадиий ечими ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек асарларни бадиий таҳлил қилишнинг инновацион методлари, образларнинг ҳолати ва уларнинг таҳлил этилишнинг фалсафий ва мантикий асослари ёритиб берилган.

Абстракт: Ўзбекистон замонавий рангтасвирда аёл образининг ўрни ва аҳамияти ҳамда она образидаги ғояларни инновацион бадиий ечими ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек асарларни бадиий таҳлил қилишнинг инновацион методлари, образларнинг ҳолати ва уларнинг таҳлил этилишнинг фалсафий ва мантикий асослари ёритиб берилган.

калит сўзлар: тасвирий санъат, рангтасвир, рассом, асар, жанр, йўналиш, портрет, образ, аёл, она образи, ижод, фалсафий ғоя, ранглар гаммаси, бадиий талил, мойбўё, гўзаллик, нафосат, кадрят,. рамз, маданият, ма'навият,

Ключевые слова: изобразительное искусство, живопись, миниатюра, художник, произведение, жанр, направление, портрет, образ, женщина, образ матери, интерпретация, творчество, философская мысль, цветовая

палитра, художественный анализ, водяной знак, любовь, красота, утонченность, символ, культура, духовность, ценность.

кейвордс: фине арт, паинтинг, миниатюре, артист, work, жанре, дирестион, портраит, имаже, woman, матер имаже, интерпретативон, креативити, пилосописал идея, солор гамут, артистис анализис, мойбо лове, лове, беаути, сописистивативон, сймбол, султуре, спиритуалити, валуе.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар маънавий, маърифий, мафкуравий, касбий жиҳатдан мутлақо янги замон кишисини шакллантиришни талаб этади. Ҳозирги замон ёшларини миллий, шарқона қадриятларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий руҳда тарбиялаш ҳамда ижобий инсоний фазилатларга эга бўлган касб соҳибларини тайёрлаш муаммоси давлат миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

“Ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, езу фазилатлар эгаси булган инсонлар етиб вояга йетказамиз.”¹

Ёшларни хусусан инсоннинг маънавиятини ривожлантиришда тасвирий санъатнинг ўрни бекиёсдир. тасвирий санъат инсон қалби ва онгини покловчи, маънавий етувликка етакловчи, инсон онгу-шуврини озиқлантирувчи кучдир.

“Ҳозирги кунда миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янги-янги ютуқларни қўлга киритаётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани унинг равноқи ва истиқболдан далолат беради. Бундай ижодий ўзгаришларни дастгоҳли рангтасвир санъат соҳасида ҳам кузатиш мумкин. Лекин минг афсуски аждодларимиз рассом, меъмор ва усталаримизнинг тасвирий, амалий ва меъморий безак санъат асарларини ўқиш ва улардан тегишли мантиқий фикр олишга етарли бадий маълумотга эга эмасмиз. Ўзбекистоннинг таълим тизимида меъморчилик, амалий санъат, тасвирий санъат турлари, рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, маҳобатли безак санъати, китобот санъати, миниатюра, шарқ миниатюра мактаблари, дизайн, ҳайкалторошлик ва бошқа турлари ўргатилади. Лекин, ҳозиргача бирорта ҳам тасвирий санъат, меъморчилик ва амалий санъат турларини бадий таҳлил қилишнинг фалсафий, психологик, астрологик тамойиллари

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик.-Т.: ТАСВИР-2021 й, 11-б.

ҳалигача етарлича илмий ўрганилмаган. Натижада ҳозиргача тайёрланаётган кадрларимиз тасвирий, амалий санъат ва меъморий безак асарларини китоб ўқигандек ўқий олмайдилар. Бу эса ўқувчи-ёшларимизни руҳиятида маънавий бўшлиқ юзага келишига олиб келади. Ушбу юзага келган муаммони бартараф этиш учун қуйидаги “Бадий таҳлил тамойиллари” деб номланган монография ёзилди².

Ёшларни ушбу талаблар даражасида тарбиялашда мукамал дарслик ва ўқув қўлланмалар билан бир қаторда таълим-тарбия сифатини ошириш учун қўшимча материаллар, яъни ўқитилаётган ҳар бир фан бўйича яратилган монографиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир³.

Шунинг учун биз Раҳим Аҳмедовнинг “Тонг”, Оналик” асари мисолида асар⁷и бадий таҳлил қилил қилиб ундан тегишли хулосалар чиқаришни ўрганамиз. Ҳар бир тасвирий санъат асарида ғоя ётади.

Ғоя деганда нима тушунилади? Тасвирий санъатда ғоя қанақа шаклланади? Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, жамият ва одамларни мақсад сари етаклайдиган фикр. Бадий фикр эса санъат асарлари замирида ётган таъсирчан образли фикрдир.⁴ Ҳаётда рўй берган ёки рўй бериши эҳтимол тутилган ҳар бир воқеа ва ҳодиса санъат асарларида ўз ифодасини топиши мумкин. Санъаткор томонидан тасвир этилган шундай воқеа ва ҳодиса бадий ғоянинг предмети ҳисобланади. Бадий ғоянинг эмоционал тасвир кучи воқеа ва ҳодисаларнинг муҳимлилиги ҳамда уни тасвирлаган мусаввирнинг маҳорати билан белгиланади. Бадий ғоя тасвир этилган воқеа ва ҳодисанинг оддий инъикоси ёки шу воқеа ва ҳодисадан ҳосил бўлувчи тасаввур, маъно ва мазмунига эмас, балки шу ҳаётий воқеа ва ҳодисани муайян нуктаи назардан идрок ва талқин этиш натижасида юзага келган таъсирчан образли фикрдир⁵.

Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг ижоди кўпчиликини ўзига жалб қилади. Ижод намуналари ичида айниқса “Тонг, Оналик” асари рассомнинг шоҳ асарларидан бири десак муболаға бўлмайди. Асарда тонгнинг мўъжизакор лаҳзасида, ширин уйкуда бўлган боласини иссиқ бағрида эмизаётган ўзбек аёли акс эттирилган (1-расм). Жаннатмакон

² Булатов С.С., Жабборов Р.Р. Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили. (Монография). –Т.:”Фан ва технология”, 2010, 48-бет.

³ Булатов С.С., Жабборов Р.Р. Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили. (Монография). –Т.:”Фан ва технология”, 2010, 48-бет.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Т.: 2005 йил. 238


⁵ Булатов С.С., Жабборов Р.Р. Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили. (Монография). –Т.:”Фан ва технология”, 2010, 48-бет.

диёримизда тонгнинг отиши чоғидаги манзаранинг бетакрорлиги, майин шабаданинг эсиши-ю, қушларнинг сайраши, осмоннинг беғуборлиги, пурвиқор тоғларнинг гўзал кўриниши инсонга руҳий озуқа беради. Унинг ҳаётга, Ватанга, табиатга бўлган муҳаббати ошади. Асарда инсон ва табиат уйғунлиги зеб-зийнату безакларсиз акс эттирилган яшил кўйлак кийган, рўмоли бошидан сирғалиб тушган, икки ўрам сочи елкасига ташланган аёл қиёфаси томошабинни ўзига тортади. Ватан тинчлиги, аёлнинг руҳий ҳолатида намоён бўлган хотиржам, бахтиёр она, оила она табиат бағрида кўрсатилган. Раҳим Аҳмедовнинг “Тонг, Оналик” асаридаги ғоя нимадан иборат 2–расмда рассомнинг “Тонг, Оналик” асаридаги ҳаёт чархпалагида табиат ҳам инсонларнинг ҳам табиат уйғунлигида бор гўзаллигида акс эттирилган. Тасвирдаги асосий ғоя элементлари табиат, она, тонг ва гўдак болани ташкил этади. Яъни табиат, она бола ва тонг гўзаллиги жами олам гўзаллигини англатади. Олам доимий ҳаракатда экан ғоялар ҳам ҳаракатда бўлади⁶.




1– расм. Раҳим Аҳмедовнинг “Тонг”, Оналик” асари.

⁶ Эгамбердиев А. Раҳим Аҳмедов ҳаёти ва ижоди. –Т.: 1994. 35-38-бетлар.




2— расм. Раҳим Аҳмедовнинг “Тонг”, Оналик” асаридаги бадиий ғоя\
Ҳаёт чархпалаги ва гўзаллиги

Асарда оила мавзусининг статик ҳамда динамик акс эттирилиши орқали онанинг ва она Ватаннинг ниҳоятда гўзаллигини ҳеч нимага тенглаштириб бўлмаслиги тушунчасига алоҳида урғу берилган. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Ватан гўзаллиги асосий ғояни ташкил этсада, асар чексиз ғоялар занжиридан иборат Шундай экан Ватан ҳам, инсон қалби ҳам гўзал бўлиши керак



3 – расм. Табиат ва она, тонг ва бола ўртасидаги уйғунлик ғояси орқали олам гўзаллиги ғоясининг модели акс эттирилган.



4-расм. Олам гўзаллиги ғоясининг фазовий тасвирда кўриниши чексиз бойликдир

Хулоса қилиб айтганда фаний дунёда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий ўзбекона миллий анъанамизни, тарихимизни, бой маданиятимизни, улуг аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши лозим. Бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига теран қараб, мустақил фикрлаши ва Ватанимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур. Асарда шу жиҳат-табиат ва она, тонг ва бола ўртасидаги уйғунлик ғояси орқали олам гўзаллиги тасвирланган. Олам доимий ҳаракатда экан ғоялар ҳам ҳаракатда бўлади. (3-4-расмлар). Муқаддас “Қуръони карим”да “Аллоҳ гўзалликни яхши кўради, у гўзалдир” деб бежиз айтилмаган. Олам гўзаллигига эришиш учун инсоннинг сурати ҳам сирати ҳам, қисқа қилиб айтганда “Эзгу ғоя, эзгу ният ва эзгу амал” қалбимизда доим шиор бўлиб қолиши лозим⁷.

Ўзбекистоннинг таълим тизимида меъморчилик, амалий санъат, тасвирий санъат турлари, рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, маҳобатли безак санъати, китобот санъати, миниатюра, шарқ миниатюра мактаблари, дизайн, ҳайкалторошлик ва бошқа турлари ўргатилади. Лекин, ҳозиргача бирорта ҳам тасвирий санъат, меъморчилик ва амалий санъат турларини бадиий таҳлил қилишнинг фалсафий, психологик, астрологик тамойиллари ҳалигача етарлича илмий ўрганилмаган. Натижада ҳозиргача тайёрланаётган кадрларимиз тасвирий, амалий санъат ва меъморий безак асарларини китоб ўқигандек ўқий олмайдилар. Бу эса ўқувчи-ёшларимизни руҳиятида маънавий бўшлиқ юзага келишига олиб келади⁸. Ушбу юзага келган муаммони бартараф этиш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар юзага келди.

1. Тасвирий, амалий ва меъморий безак санъат асарларини инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрнини теран англаш бу борадаги қарашларни тизимини таҳлил этишни тақозо қилмоқда.
2. Тасвирий, амалий санъат ва меъморчилик санъат асарларини бадиий таҳлил қилишнинг психологик, фалсафий, астрологик тамойиллари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш.
3. Тасвирий, амалий санъат ва меъморчилик санъат асарларини бадиий таҳлил қилишнинг психологик, фалсафий, астрологик каби тамойилларини мезонларини ишлаб чиқиш.
4. Асарларини бадиий таҳлил қилиш моделини ишлаб чиқиш.

⁷ Булатов С.С., Жабборов Р.Р. Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили. (Монография). –Т.: “Фан ва технология”, 2010, 48-бет.

⁸ Сулаймонов А. Тасвирий санъат таълими сифати ва сакмарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. Монография. –Т.: “Баёз”, 2017. -3—16 бетлар.

5. Рассом ва усталарнинг асарлари мисолида бадий таҳлил қилишнинг фалсафий ва психологик асослари ҳамда методикасини ишлаб чиқиш.
6. Ўқувчи ёшларимизни тасвирий, амалий ва меъморчилик санъат асарларини бадий таҳлил қилишга ўргатиш орқали тайёрлаётган кадрларимизнинг шахсий ва касбий фазилатларини шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш;
7. Бадий таҳлил қилишга оид электрон қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлаш.
8. Телевидения маънавий мавзуларга бағишланган кўрсатувларда миллий санъат асарларини бадий таҳлил тамойилларини ўргатиш учун, тарғиботи учун янада кўпроқ эфир вақти ажратиш лозим.
9. Интернет тармоғида бир неча тилларда тасвирий, амалий меъморчилик санъат асарларини ҳар томонлама очиб беришга мўлжалланган турли номлардаги веб-сайтлар ташкил қилиш.
10. Бу борада Ўзбекистонда ва чет элларда тасвирий, амалий ва меъморий санъат асарларини бадий таҳлил қилишга оид янгиликлар, монография, электрон қўлланмаларни таълим тизими мазмунига киритиш ва улардан унумли фойдаланилса тайёрлаётган кадрларимизни сифат ва самарадорлиги ошади.

Фойдалиниланган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик.-Т.: ТАСВИР-2021 й, 11-б.
2. Булатов С.С., Жабборов Р.Р. Тасвирий санъат асарларининг фалсафий ва психологик таҳлили. (Монография). –Т.: “Фан ва технология”, 2010, 48-бет.
3. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. Т.: 2005 йил. 238
4. Эгамбердиев А. Раҳим Ахмедов ҳаёти ва ижоди. –Т.: 1994. 35-38-бетлар.
5. Сулаймонов А. Тасвиримий санъат таълими сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари. Монография. –Т.: “Баёз”, 2017. -3-16- бетлар.
6. Булатов С.С., Саипова М.С. Рамзлар. Энциклопедия. Т.: “Фан ва технологиялар нашрёт-матбаа уйи” 2021 йил, (157-158 бетлар.) 928-бет.
7. Саипова М.С. Рамзшунослик. Дарслик. –Т.: “Фан ва технологиялар нашрёт-матбаа уйи”, 2021. 173-бет.
8. Булатов, С. (1991). Ўзбек халқ амалий безак санъати. Тошкент: “Меҳнат”, 66-68.

- 9.Булатов, С. С. (2010). Наккошлик. Т.
- 10.Саидахбор, С. Б., Мансуров, У., & Муратов, Х. (2016). Философские основы динамики в художественном произведении. Молодой ученый, (4), 724-727.
- 11.Булатов С. С. (2014). Ўқитувчилар малакасини оширишда юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш. Современное образование (Узбекистан), (3), 12-15.
- 12.Bulatov, C. S., & Jabbarov, R. R. (2010). Philosophical and psychological analysis of works of fine arts (monograph). Science and Technology Publishing House.
- 13.Jabbarov, R. (2019). Formation of Fine Art Skills by Teaching Students the Basics of Composition in Miniature Lessons. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 17(1), 285-288. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v17.1.1424>
- 14.Kholmuratovich, M. K., Mardanaqulovich, A. S., Ravshanovich, J. R., Sharifovna, K. U., & Shodiyevna, B. O. (2020). Methodology of Improving Independent Learning Skills of Future Fine Art Teachers (On the Example of Still Life in Colorful Paintings). International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(05).
- 15.Халимов, М. К. Сравнение продуктивности учебной доски и проектора в преподавании предметов, входящих в цикл инженерной графики / М. К. Халимов, Р. Р. Жабборов, Б. Х. Абдуханов, А. А. Мансуров. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2018. — № 6 (192). — С. 203-205. — URL: <https://moluch.ru/archive/192/48066/> (дата обращения: 14.03.2022).
- 16.Nazirbekova, S., Talipov, N., & Jabbarov, R. (2019). Described the Educational, Scientific, and Educational Institutions of the Miniature. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 15(2), 364-367. doi:<http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v15.2.1192>
- 17.Jabbarov, R., & Rasulov, M. (2021). FURTHER FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES BY DRAWING LANDSCAPES IN PAINTING. Збірник наукових праць ЛОГОΣ. <https://doi.org/10.36074/logos-30.04.2021.v2.09>
- 18.Xolmuratovich, M. X., & Ravshanovich, J. R. (2020). Amaliy va badiiy bezak san'ati. UO'K, 76, 075.
- 19.Muratov, K. K., & Tadjieva, F. M. (2021). Issues of Improving the Technology of Organization and Management of Independent Learning

Activities of Students in the Fine Arts. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(11), 521-525.

20. Bulatov, S., & JABBAROV, R. (2016). № 2 National traditional basis of symbol of Khumo. Central Asian Journal of Education, 1, 85-87.

21. Рустам Джаббаров (2021). Уникальное направление, вдохновленное творчеством Камолиддина Бехзода, великого миниатюриста Восточного Возрождения. Общество и инновации, 2 (5/S), 59-67. doi: 10.47689/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67

22. Rustam Ravshanovich, J. . (2021). Formation of Creative Abilities of Students by Teaching the Genre "Landscape" of Fine Arts. Spanish Journal of Society and Sustainability, 1, 1-8. Retrieved from <http://sjss.indexedresearch.org/index.php/sjss/article/view/1>

23. Jabbarov, R.. (2021). Уникальное направление, вдохновленное творчеством Камолиддина Бехзода, великого миниатюриста Восточного Возрождения. Общество и инновации, 2(5/S), 59–67. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss5/S-pp59-67>

24. Ravshanovich, J. R. (2021). Rangtasvir Taraqqiyotining Ustuvor Yo‘nalishlari. Бошқарув ва Этика Қоидалари онлайн илмий журнали, 1(6), 137-148.

25. Nurtaev, U. (2021). Pedagogical issues in ensuring continuous and intermittent state of the field of fine arts in the system of art education. ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL, Year: 2021, Volume: 11, Issue: 1, First page: (**1813**) Last page : (**1821**), Online ISSN: 2249-7137, Article DOI: 10.5958/2249-7137.2021.00287.1

26. Нуртаев, У. Н., & Махкамова, С. Б. (2016). Вопросы подготовки студентов к художественно-творческой деятельности. Молодой ученый, (7), 687-691.

27. Arifjanov, A., Rakhimov, K., Abduraimova, D., Babaev, A., & Melikuziyev, S. (2020, June). Hydrotransport of river sediments in hydroelelators. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 869, No. 7, p. 072003). IOP Publishing. DOI 10.1088/1757-899X/869/7/072003

28. Raximov, K., Babaev, A. R., & Abduraimova, D. (2019). THEORETICAL FOUNDATIONS FOR DETERMINING KINEMATIC PARAMETERS OF A JET UNIT. Journal of Tashkent Institute of Railway Engineers, 15(4), 20-23.

29. Khamidovich, T. N., Nozimovich, T. N., Ibrohimovna, Y. N., Ravshanovich, J. R., & Kholmuratovich, M. K. (2019). DEVELOPMENT OF

STUDENTS' CREATIVE ABILITIES THROUGH TEACHING" LANDSCAPE PAINTING. Journal of Critical Reviews, 7(6), 2020.

30. Akhmedov Mukhomod-Umar Bakhridinovich. (2022). THE IMPORTANCE OF FOLK APPLIED ART IN THE FORMATION OF YOUTH CREATIVE ACTIVITY. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 3(02), 142–156. <https://doi.org/10.37547/pedagogics-crjp-03-02-23>

31. Abdurakhmanov R. (2022). DETERMINATION OF TRAFFIC CONGESTION AND DELAY OF TRAFFIC FLOW AT CONTROLLED INTERSECTIONS. The American Journal of Engineering and Technology, 4(10), 4–11. <https://doi.org/10.37547/tajet/Volume04Issue10-02>

32. Talipov, N., & Talipov, N. (2021). CREATIVE TECHNOLOGIES FOR THE DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVE ACTIVITY THROUGH ART EDUCATION. Збірник наукових праць ЛОГОС. <https://doi.org/10.36074/logos-19.03.2021.v3.12>